



AKTUAR MOLIYA VA BUXGALTERIYA HISOBI ILMIY JURNALI

Vol. 5 Issue 08 | pp. 35-40 | ISSN: 2181-1865

Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

ХУСУСИЙ КАПИТАЛНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ



Муратов Азиз Акбарович,

Фарғона давлат техника университети, таянч докторанти,
e-mail: azizmuratov24@gmail.com.

Аннотация. Мазкур мақолада хусусий капиталнинг бухгалтерия ҳисоби молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида такомиллаштириш масалалари ёритилган. Устав капиталнинг ҳисоби амалиётдан олинган маълумотлар асосида счётларда акс эттирилган.

Калит сўзлар: бухгалтерия ҳисоби, молиявий ҳисобот, МҲХС, хусусий капитал, устав капитал.

Аннотация. В данной статье освещены вопросы совершенствования учета собственного капитала на основе международных стандартов финансовой отчетности. Учет уставного капитала отражается в счетах на основании информации, полученной из практики.

Ключевые слова: бухгалтерский учет, финансовая отчетность, МСФО, собственный капитал, уставный капитал.

Abstract. This article highlights issues of improving equity accounting based on international financial reporting standards. Accounting for authorized capital is reflected in the accounts on the basis of information obtained from practice.

Keywords: accounting, financial reporting, IFRS, equity capital, authorized capital.

Кириш қисми. Хусусий капиталнинг бухгалтерия ҳисоби Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги [1] 2016 йил 13 апрелдаги қонуни ва “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги [2] 2014 йил 6 майдаги қонунлари билан тартибга солинади. “Хусусий капитал” тушунчасини тўғри иқтисодий жиҳатдан талқин қилиш бухгалтерия ҳисоби методологиясини такомиллаштиришга олиб келади. Ҳозирги вақтда хусусий капиталнинг бухгалтерия ҳисобини Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС) талаби асосида ташкил этиш ва такомиллаштириш долзарб масалалардан ҳисобланади [3-5].

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Хусусий капитал ва унинг бухгалтерия ҳисоби борадаги иқтисодчиларнинг фикрларини келтириб ўтадим.

А.А. Каримов, Ф.Р. Исломов. А.З. Авлоқуловларнинг “Бухгалтерия ҳисоби” дарслигида, “Устав капитали – ҳуқуқлар ва имтиёзлар олиш учун корхона муассислари томонидан таъсис ҳужжатларига мувофиқ қўшилган (тўланган) ҳамда корхонанинг хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган моддий

бойликлар, пул маблағлари ва харажатлар мажмуидир” [6], – деб таъриф берилган. Бу таърифни беришда олимлар акциядорлик жамиятларида устав капиталини шакллантириш хусусиятларини инобатга олган. Чунки акциядорлик жамиятларида сотиб олинган акциянинг турларига кўра таъсисчилар турли ҳуқуқ ва имтиёзларга эга бўлади.

Е.Ф. Гадоев (2010) томонидан чоп этирилган бухгалтерлар учун амалий қўлланмада, “Устав капитали – корхонани ташкил этиш чоғида муассисларнинг асосий воситалар, номоддий активлар, пул, мулкӣ ҳуқуқлар, акциялар ва бошқа турдаги мол-мулк кўринишидаги улушлари” [7] -деб таъриф берилган.

Ф.Ғ. Ғуломова ва У.Т. Файзиевалар томонидан бухгалтерия ҳисобини мустақил ўрганиш учун чоп этилган қўлланмада “Устав капитали – корхонани ташкил қилиш вақтида унинг таъсис ҳужжатларида белгиланган миқдорда фаолият кўрсатишини таъминлаш учун қатнашчилар (мулкдорлар) мол-мулкдаги улушининг (пул бирлигидаги) йиғиндисини ифодалайди” [8] , – деб таъриф берилган. Мазкур таърифда “мулкдорлар мол-мулкдаги улушининг” деб эмас, балки “корхона мол-мулкдаги пул бирлигида ифодаланган мулкдорлар улушининг йиғиндисидир”, -деб таъриф берилганда мақсадга мувофиқ бўлар эди.

В.В. Сопко (2004) хусусий капиталга бухгалтерия ҳисобининг объекти сифатида қараб қуйидагича таъриф беради: “Хусусий капитал бухгалтерия ҳисобининг объекти сифатида – бу корхона мулкнинг манбаи бўлиб, улар қайтарилиш муддати белгиланмаган ҳолда, таъсисчилар-жисмоний ёки юридик шахслар томонидан киритилган ёки улар (таъсисчилар) томонидан фойда солиғи тўлангандан кейин корхонада қолдирилган маблағлардир” [9].

Н.А. Сафроновнинг (2016) ёзишича, “Хусусий капитал – бу корхона қарамоғида бўлган ўз маблағларининг тўлиқ ҳажмдаги қийматидир. Хусусий капитал суммаси бухгалтерия балансидаги жами активлардан компаниянинг шу дарвга тегишли бўлган ҳамма мажбуриятларини айириш йўли билан аниқланади” [10].

А.С. Агафонованинг (2020) фикрича, корхонанинг капитали ўзининг ва қарзга олинган капиталга бўлинади. “Хусусий капитал – бу барча мажбуриятларни айириб ташлангандан кейин қолган корхонанинг активларининг бир қисмидир” [11].

В.Ф. Палийнинг фикрича: (2013) “Хусусий капитал – бу мажбуриятларнинг оғирлиги бўлмаган активларнинг қийматидир” [12]. Бунда иқтисодчи активлардан мажбуриятларни айириб ташлагандан кейинги активларнинг қиймати тўғрисида фикр юритган.

Н.А. Лытневанинг (2006) фикрича: “Хусусий капитал деганда, корхонанинг фаолияти давомида инвестиция қилинган ва шаклланган маблағларидан мажбуриятларни қоплагандан кейин унинг ихтиёрида қолган соф активлар тушунилади” [13].

Г.И. Хамидуллинанинг (2011) илмий ишларида хусусий капитал қуйидагича талқин қилинган: “Хусусий капитал, иқтисодий нуқтаи назардан қараганимизда, корхона фаолияти жараёнида иқтисодий наф келтирадиган иқтисодий ресурслар йиғиндисидир” [14].

Удалова, Салтанова, Тарасовлар (2018) хусусий капитални бухгалтерия ҳисоби тизими нуқтаи назардан тадқиқ этиб, қуйидаги фикрни билдиришган: “Хусусий капитал – бу ўз ичига устав, қўшилган, резерв капиталлари ва тақсимланмаган фойдани олиб, келажақда фойда келтирадиган корхонага тегишли бўлган, қуйилган ва жамғарилган, мажбуриятларни чиқариб ташлагандан кейинги активларнинг умумий қийматини акс эттирувчи иқтисодий ресурслардир” [15].

Тадқиқот методологияси. Хусусий капитал ва хусусий капиталнинг ҳисоби бўйича иқтисодчилар томонидан берилган таъриф ва фикрлар умумлаштирилган. Мавзуни ёритишда адабиётлар шарҳи, маълумотларни гуруҳлаш ва таққослаш методларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Ўзбекистон Республикасида ташкилий ҳуқуқий мулк шакллари ичида акциядорлик жамияти шаклидаги жамиятларнинг иқтисодий ҳолати ўрни беқиёсдир. Акциядорлик жамиятларининг сони йилдан йилга ошиб бормоқда (1-жадвал).

1-жадвал

**Ўзбекистон Республикасида 2020-2025 йилларда фаолият юритган
акциядорлик жамиятлари сони тўғрисида
МАЪЛУМОТ [16].**

№	Элементлар	2021	2022	2023	2024	2025
1	Акциядорлик жамиятлар сони	599	607	618	625	688
2	АЖ устав капиталида давлатнинг иштироки (% , да)	88,2	86,7	80,7	86,7	79,9

Мамлакатимизда акциядорлик жамиятларининг сони 2021 йил 1 январ ҳолатига 599 та бўлган бўлса, 2022 йил 1 январ ҳолатига 607 та, 2023 йил 1 январ ҳолатига 618 та, 2024 йил 1 январ ҳолатига 625 та ва 2025 йил 1 январ ҳолатига 688 та акциядорлик жамияти шаклидаги хўжалик юритувчи субъектлар фаолият юритмоқда. Шунинг алоҳида қайд этиш лозимки, таҳлил қилинаётган даврда акциядорлик жамиятлари устав капиталида давлатнинг улуши йилдан йилга қисқариб бораётганлигини кўришимиз мумкин. Жумладан 2021 йилда акциядорлик жамиятлари устав капиталида давлатнинг улуши 88,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2025 йил 1 январ ҳолатига ушбу кўрсаткич 79,9 фоизни ташкил этган.

Мақолада “ҚО‘ҚОН БЮКІМҲО” АЖнинг 2022-2024 йиллардаги ҳисобот маълумотларидан фойдаланган ҳолда, хусусий капитал таркиби таҳлили 2-жадвалда келтирилди.

2-жадвал

**“ҚО‘ҚОН БЮКІМҲО” АЖ хусусий капитали таркиби улушининг таҳлили
(минг сўмда) [17]**

№	Элементлар	31.12.2022	31.12.2023	31.12.2024
1	Устав капитали	71 508 991	71 508 991	71 508 991

2	Қўшилган капитал	-	-	-
3	Резерв капитали	39 014 320	39 217 369	40 469 632
4	Сотиб олинган хусусий	-	279 174	-
5	Тақсимланмаган фойда	19 481 130	29 238 806	4 979 353
6	Мақсадли тушумлар	772 091	772 091	-
	Ўз маблағлари	130 776 532	140 458 083	116 957 976

2-жадвал маълумотларининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ушбу “QO'QON BIOKIMO” AJнинг хусусий капитали 2022 йил 31 декабрь ҳолатга 130 776 532 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2023 йил 31 декабрь ҳолатига 140 458 083 минг сўмни ва 2024 йил охирига эса аввалги йилга нисбатан 16.7 фоизга камайиб, 116 957 976 минг сўмни ташкил этган. Устав капитали 2024 йил 31 декабрь ҳолатига 71 508 991 минг сўмни ташкил этган.

Жамиятнинг хусусий капитали элементларига эътибор қаратадиган бўлсак, “QO'QON BIOKIMO” AJнинг устав капитали суммаси сўнгги уч йилда ўзгармаганлигини кўришимиз мумкин. Резерв капитали суммаси эса сўнгги уч йил давомида 39 014 320 минг сўмдан 40 469 632 минг сўмгача ошган. Жамият томонидан сотиб олинган хусусий акциялари 2023 йилда 279 174 минг сўмни ташкил этган. Тақсимланмаган фойда сатрида ҳам сезиларли ўзгаришлар юз берган. 2023 йилда жамиятнинг тақсимланмаган фойдаси 29 238 806 минг сўмни ташкил этиб, 2022 йилга нисбатан 9 757 676 минг сўмга ошган. Лекин 2024 йилда якуни бўйича тузилган молиявий ҳисоботга асосан жамиятнинг тақсимланмаган фойдаси 4 979 353 минг сўмни ташкил этган ва ўтган 2023 йилга нисбатан 24 259 453 минг сўмга камайган. Бу ҳолатга жамият 2024 йилни катта зарар билан якунлаганлиги сабаб қилишимиз мумкин. Мақсадли тушумлар сатрида 2022 йил ва 2023 йилларда 772 091 минг сўмлик маблағлар мавжуд бўлган бўлса, 2024 йил якуни тузилган ҳисоботда ушбу маблағлар мавжуд эмаслиги кўришимиз мумкин.

Демак, “QO'QON BIOKIMO” AJнинг хусусий капиталининг аввалги йилларга нисбатан камайишида энг асосий улуши тақсимланмаган фойда сатрининг аввалги йилга нисбатан (82,97 фоизга) камайганлиги ҳисобига тўғри келаётганлигини кўришимиз мумкин.

“QO'QON BIOKIMO” aksiyadorlik jamiyati акциядорларининг 2024 йил 28 июндаги умумий йиғилиш қарори билан тасдиқланган янги тахрирдаги уставида устав капиталининг миқдори 71 508 990 672 сўм этиб белгиланган. Устав капиталининг шаклланиш жараёни бухгалтерия ҳисобида тегишли сўмларда БҲМС-21 стандартига асосан акс эттирилади:

Дт 4610 “Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи» счёти 71 508 990 672 сўм

Кт 8300 “Устав капиталини ҳисобга олувчи счётлар” счётлари 71 508 990 672 сўм.

Халқаро амалиётида хусусий капиталнинг ҳисоби молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларининг бир қанча стандартларда ўз аксини топган. Буларга МҲХС (IAS) -1 “Молиявий ҳисоботни тақдим этиш”, МҲХС (IAS) - 8 “Ҳисоб сиёсати,

хисоб баҳолашлардаги ўзгаришлар ва хатолар”, МҲХС (IAS) -12 “Фойдадан солиқлар”, МҲХС (IAS) - 32 “Молиявий инструментлар, ахборотларни тақдим этиш”, МҲХС (IAS) - 33 “Акцияга фойда”, МҲХС(IAS) -37 “Захиралар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар” ва бошқа стандартларни мисол келтириш мумкин.

Хулоса ва таклифлар. Акциядорлик жамиятининг барқарор бизнес ривожланишини таъминлаш учун ўз капиталининг самарали ҳисобини ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Бухгалтерия ҳисобини самарали ташкиллаш эса қуйидагиларга бевосита боғлиқ:

Аввало, корхонанинг устав капитали, қўшимча тўланган капитал, захира капитали ва тақсимланмаган фойда миқдорини тўғри ҳисобга олиш бўйича керакли тадбирларни кўриш зарур. Чунки, бухгалтерия ҳисобининг бошланиши ва кейинга бажарадиган барча вазифалари айнан ушбу моддаларни бирламчи қилиш ва ҳисобини тўғри ташкил этилишига тўғридан-тўғри боғлиқ ҳисобланади.

Ўз капиталини шакллантириш, тақсимлаш ва ишлатиш бўйича операцияларни ҳисобга олиш ва ўз вақтида бухгалтерия ҳисобида акс эттириш зарур.

Хусусий капитал ҳисобини МҲХС асосида ташкил этишда ҳисоб методологияси асосида долзарб назарий масала бўлиб ҳисобланади.

Хусусий капитал ҳисобини такомиллаштириш мақсадида МҲХС(IAS) 1 - «Молиявий ҳисоботни тақдим этиш», МҲХС (IAS) 8 - «Ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳолашлардаги ўзгаришлар ва хатолар», МҲХС (IAS) 12 - «Фойда солиғи», МҲХС (IAS) 32 - «Молиявий инструментлар, ахборотларни тақдим этиш», МҲХС (IAS) 33 - «Акцияга фойда», МҲХС (IAS) 37 - «Захиралар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар» ва бошқа молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларидан фойдаланиш бўйича ўзининг ҳисоб сиёсатига киритиш ва хусусий капитал ҳисобини юритишда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Ўз навбатида хусусий капиталнинг ҳисобини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида ташкил этиш мамлакатимиз бухгалтерия ҳисобини жаҳон амалиётига яқинлаштиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги (янги таҳрири) Қонуни, 13.04.2016 йилдаги ЎРҚ-404-сон. <https://lex.uz/docs/2931253>.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги (янги таҳрири) Қонуни, 06.05.2014 йилдаги ЎРҚ-370-сон. <https://lex.uz/docs/2382409>
3. Tohirovich, Q. N. (2021). International financial accounting standards in Uzbekistan. *Academicia: An international multidisciplinary research journal*, 11(4), 328-333.
4. Mexmonaliyev, U. B. E. O. G. (2024). ICHKI AUDITNI RIVOJLANTIRISHNING DOLZARB MASALALARI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 4(7), 15-21

5. Исманов, И. Н., & Савинова, Г. А. (2021). Сопоставление некоторых аспектов Национальных стандартов бухгалтерского учета и МСФО. *Central Asian Journal Of Innovations On Tourism Management And Finance*, 2(11), 14-19.
6. Каримов, А.А, ва бошқ. Бухгалтерия ҳисоби: Олий ўқув юрти талабалари учун дарслик/Муаллифлар: А.А. Каримов, Ф.Р. Исломов. А.З. Авлоқулов. — Т.: “Шарқ”, 2004-йил.
7. Бухгалтерлар учун амалий қўлланма: икки жилдлик/Э.Ф.Гадоев (ва бошқ.).-Тошкент: “НОРМА”, 2010 — 344 б.
8. Ғуломова Ф.Ғ., Файзиева У.Т. Бухгалтерия ҳисобини мустақил ўрганиш учун қўлланма. – Тошкент: “Норма”, 2012. – 528 б.
9. Сопко В.В., Завгородній В.П. (2004) Організація бухгалтерського обліку, економічного контролю та аналізу: Підручник. – К.: КНЕУ, – 412 с
10. Сафронов Н.А. (2016) Экономика организации (предприятия): учебник для ср. спец. учеб. заведений. -2-е изд., с изм. / Н. А. Сафронов.— М.: Магистр: ИНФРА-М, -256 с
11. Агафонова А.С. (2020) Методика анализа структуры капитала. <https://cyberleninka.ru/article/n/metodika-analiza-struktury-kapitala> 30.09.2020
12. Палий, В.Ф. (2013) Международные стандарты учета и финансовой отчетности: учебник /В.Ф. Палий - 6-е изд., испр. и доп. - М.: ИНФРА-М, - 506с
13. Лытнева Н.А. (2006) Методология концепции учета, анализа и аудита собственного капитала 08.00.12 – Бухгалтерский учет, статистика АВТОРЕФЕРАТ диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук Москва. 2006. 13 с
14. Хамидуллина Г.И. (2011) Формирование финансовой отчетности в условиях развития бухгалтерского учета собственного капитала акционерных обществ. Автореферат дисс. к.э.н. Казань. 9 с.
15. Удалова З.В., Салтанова А.Г., Тарасов А.Н. (2018) Развитие учетно-аналитического обеспечения управления собственным капиталом в сельскохозяйственных организациях: монография – Ростов н/Д ФГБНУ ВНИИЭиН; Изд-во ООО «Азов Принт», – 180 с
16. <https://uzcsd.uz/> - Сайти маълумотлари.
17. www.openinfo.uz - Сайти маълумотлари.

Copyright: © 2025 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution- 4.0 International License (CC - BY 4.0)

